



*Haqsevar ona yurt, mangu bo'l obod!*

# TOSHKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

2026-yil  
23-iyul

PAYSHANBA

№ 58-59 (13919-20)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline\_24

Haqiqat online

haqiqatonline\_

## УЗОҚНИ КЎЗЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ



Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент – Самарқанд йўналишидаги пуллик муқобил автомобиль йўли қурилишига тамал тоши қўйди. Мамлакатимиз етакчиси ушбу лойиҳа Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Бугун бу соҳада том маънода янги давр бошланмоқда, десак, тўғри бўлади. Халқимиз учун тараққиёт ва фаровонлик тимсоли бўлиб хизмат қиладиган ушбу йирик лойиҳанинг бошланиши барчамизга муборак бўлсин, – деди Президент.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти 3 қарра ўсди. 2030 йилга бориб унинг ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу эса йўл-транспорт ва логистика инфраструктурасини иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига мувофиқ ривожлантиришни талаб этади.

Бугун Ўзбекистон ҳудудидан халқаро аҳамиятга эга 4 минг километр транзит йўл ўтади. Уларнинг 30 фоизи тўлиқ қувватда, яна 25 фоизи ортиқча юклама билан ишланмоқда.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” ва Трансафғон темир йўллари ишга тушгач, мамлакатимиз Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа куруқлик йўлагининг асосий бўғинига айланади. Покистон портлари орқали Ҳинд океани ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун ҳам янги имкониятлар очилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, йилга қўшимча 15-20 миллион тонна транзит юкни қабул қилиш 400-600 миллион доллар даромад, логистика марказлари ва терминаллар учун 3 миллиард доллар инвестиция ҳамда 50 мингта барқарор иш ўрни яратиш имконини беради.

Шу мақсадда 2030 йилга қадар Андижон билан Қўнғиротни, Термиз билан Тошкентни боғловчи 4 минг километр халқаро йўллари юқори талабларга жавоб берадиган замонавий транзит йўлакларга айлантириш режалаштирилган. Тошкент – Самарқанд янги автомобиль йўли ушбу стратегик дастурнинг муҳим қисми бўлади.



Сўнгги 10 йилда 78 триллион сўм ҳисобидан 128 минг километр йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Энди мамлакатимизда илк бор энг юқори тоифадаги замонавий автомагистраль барпо этилмоқда.

Қўймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган олти полосали йўлнинг умумий узунлиги 282 километрни ташкил этади. У Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган 13 та туман орқали ўтиб, ҳудудлар учун янги имкониятлар яратади.

Лойиҳа доирасида 92 та кўприк, 28 та

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шахрига ташриф буюриб, транспорт ва ижтимоий инфратузилма, рақамли технологиялар, саноат ҳамда шахарсозлик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди, йирик қурилиш лойиҳаларига старт берди.

Йўл ўтказгич, 60 та туннель типидagi ўтиш жойи, шунингдек, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер ости йўлаклари ва сув ўтказиш иншоотлари қурилади.

Йўл қопламаси оғир ва юқори тезликда ҳаракатланадиган транспорт воситалари қатновига чидамли моноклит бетондан барпо этилади. Текис ҳудудларда ҳаракат тезлиги соатига 150 километргача бўлиши кўзда тутилган.

Замонавий хавфсизлик ечимлари, рақамли ва инновацион қўлайликлар йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтиришга хизмат қилади.

– Ушбу лойиҳа ишга тушганидан сўнг унинг афзаллигини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида, албатта, ҳис қилади. Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти ҳозирги 5 соатдан 2,5 соатга қисқаради, – деди давлатимиз раҳбари.

Янги автомагистраль суткасига 60 мингдан 80 минггача транспорт воситасини ўтказиш имконига эга бўлади. Тирбандликсиз ва бир маромда ҳаракатланиш энергия сарфи, амортизация ва

гистика маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, бундай инфратузилма лойиҳаларига киририлган ҳар бир доллар иқтисодиётга 5 баробаргача самара келтиради. Янги йўл Тошкент шахри, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ялпи ҳудудий маҳсулотининг 3 фоизга ўсишига туртки бериши кутилмоқда.

Йўл бўйида логистика марказлари, омборлар, саноат ва агросаноат корхоналари, савдо-сервис, меҳмонхона ва туризм объектлари барпо этилади. Бу янги иш ўринлари, хизматлар бозори ва маҳаллий бюджетлар учун қўшимча даромад манбаларини яратади.

Қурилиш жараёнида маҳаллий хизматлар ва қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади. Бу маҳаллий корхоналар учун йирик буюртмалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва қўшимча иш ўринлари дегадидир.

Тўртта ҳудуд раҳбарларига “Ягона коридор – ягона стандарт” тамойили асоси-



техник харажатларни камайтиради.

Ҳисоб-китобларга кўра, юк ташиш таннархи 19-24 фоизга пасаяди. Бу, айниқса, тез бўзиладиган мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни бозорларга қисқа муддатда ва сифатли етказиш имкониятини кенгайтиради.

Янги йўл Фарғона водийси ва мамлакатимизнинг марказий ҳудудларини жанубий ҳамда ғарбий вилоятлар билан боғлашда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, халқаро транспорт йўлакларини самарадорлигини ошириб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги транспорт-ло-

да ер участкаларини ажратиш, логистика, муҳандислик ва коммуникация инфраструктурасини биргаликда режалаштириш вазифаси қўйилди.

Автомагистраль Европа, Туркия, Хитой ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибалари асосида лойиҳалаштирилган. Биринчи босқичда йўл хитойлик ҳамкорлар билан ЕРС модели асосида барпо этилади, кейинчалик уни бошқариш, сақлаш ва эксплуатация қилишнинг замонавий механизмлари жорий этилади.

(Давоми 2-саҳифада) ➤

▼ Ўзбекистон Республикаси  
Давлат мустақиллигининг  
35 йиллигига



## ИСТИҚЛОЛ ТАРИХНИНГ ИМТИҲОНИДИР

Инсон учун ҳаётдан азизроқ неъмат йўқ. Аммо унинг ҳақиқий мазмуни эркинлик билан ўлчанади. Эркин ҳаёт бор, лекин танлов йўқ; нафас бор, аммо орзунинг қанотлари йўқ. Шунинг учун ҳам инсоният тарихи эркинлик учун курашлар тарихи сифатида ёдга олинади.

Тарих гувоҳ: халқларни қурол билан бўйсундириш мумкин, аммо уларни узоқ вақт қарамликда ушлаб туриш учун онгни эгаллаш талаб қилинади. Ана шу ерда мафкура энг хавфли қуролга айланади. Зўравонлик – адолат, қўллик – меҳнатсеварлик, мутелик – ватанпарварлик сифатида талқин қилинганда халқ ўз ҳақиқатидан узоқлашади. Энг ачинарлиси, инсон ўз қўлигини эркинлик деб қабул қила бошлайди.

Халқимиз ана шундай мафкуравий тазйиқ йилларини бошидан кечирди. Ўз меҳнатининг кучи билан яралган моддий бойликлар эгалари бошқалар эканини билмай, асли ўзи эркин, бой-бадавлат, фаровон яшаши мумкинлигини ҳаёлига келтирмай салкам юз йилни яшади. Миллат гуллари – илғор зиёлиларига айблар тақилиб, «халқ душмани» деб тамғаланганда ишонди.

Одамият устидан ўрнатилган ҳукмронлик шу қадар разолатга ботган эдики, қўлида қалами бор, кўнгли марвариддек пок шоирлар, ёзувчиларнинг миллатга таъсирини тезда йўққа чиқариш режаси тузилди. Шундай бўлдики, миллатнинг кўзини очиб қўйиш хавфи билан марказлашган давлат фуқаролари орасида юрган тафаккур кишилари турфа найранглар билан айбни этилди, кириб ташланди. Осонликча, ҳеч нарсага қараб ўтирмасдан, «Миллат эрки, фаровонлиги, бахтли яшаши» никоби остида неча минг-минглаб оилалар бахтиқаро қилинди. Яқинларининг дийдорига зор бўлган элдошларимизнинг қонли кўзёшларини нима билан ювиш мумкин эди ахир? Мустақиллик билан.

(Давоми 4-саҳифада) ➤

▼ Пресс-тур

## "ЎЗМЕТКОМБИНАТ": ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда саноат корхоналари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу мақсадда "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти томонидан республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

5

### Viloyat bo'ylab

Viloyat Xalq qabulxonasida Toshkent viloyati hokimi o'rinbosari Nilufar Normirzayeva ishtirokida fuqarolar uchun navbatdagi qabul tashkil etildi. Unda fuqarolar tomonidan xotin-qizlarni ijtimoiy qo'llab-quvvatlash, bandlikni ta'minlash, tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, uy-joy, sog'liqni saqlash hamda boshqa dolzarb masalalar yuzasidan murojaatlar bildirildi. Har bir murojaat atroficha o'rganilib, ularni qonuniy hal etish bo'yicha tegishli mutasaddilarga aniq topshiriqlar berildi.

"Besh tashabbus paralimpiadasi" sport musobaqalarining Respublika bosqichida TOSHKENT viloyati sportchilari yuqori natijalarni qayd etishdi. Viloyatimiz vakillari 8 ta oltin, 1 ta kumush va 2 ta bronza medallarni qo'lga kiritib, umumjamoa hisobida faxrli 1-o'rinni egallashdi.

ANGREN shahri-ning "Jigariston" mahallasida "Obodlik va mehr-saxovat oyligi" doirasida nuroniyalar, mahalla faollari va keng jamoatchilik ishtirokida umumxalq hashari tashkil etildi. Ezgu qadriyatlarni asrab-avaylash, muqaddas qadamlarni obod etish hamda atrof-muhitni yanada fayzli ko'rinishga keltirish maqsadida o'tkazilgan hasharda qabriston hududi ham to'liq tozalaniб, obodonlashtirildi.

Toshkent viloyati FVBB mas'ul xodimlari tomonidan ZANGIOTA tumanida keng ko'lamli profilaktik o'rganishlar amalga oshirildi. Jarayonda avtomobillarga siqilgan propan gazini quyish shaxobchalari, propan gazini tashishga mo'ljallangan maxsus avtotransport vositalari hamda savdo majmualarida yong'in xavfsizligi talablariga rioya etilishi o'rganildi. Elektr jihozlari va elektr tarmoqlarining texnik holati, birlamchi yong'in o'chirish vositalarining sozligi, evakuatsiya yo'laklarining holati hamda yong'in xavfsizligi qoidalariga amal qilinishi yuzasidan nazorat ishlari olib borildi.

Лойиҳа халқаро сифат, хавфсизлик ва экологик стандартлар асосида амалга оширилиб, 2030 йилда фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа мамлакатдаги йирик йўл қурилиши дастурининг бир қисми эканини таъкидлади. Хива – Урганч йўли қурилиши давом этмоқда, Тошкент – Андижон йўналиши бўйича халқаро тендер якунланиш арасида, Тошкентни Бўстонлиқ билан боғловчи йўл учун хусусий шерикни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

– Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тўйи арасидада мамлакатимиз келажаги, иқтисодий барқарорлиги ва халқимиз фаровонлиги учун яна бир мустақкам пойдевор қўймоқдамиз, – деди Президент.

Давлатимиз раҳбари хитойлик ҳамкорлар, маҳаллий ва хорижий мутахассислар, муҳандислар, лойиҳачилар ва қурувчиларга муваффақият тилаб, Ўзбекистон тарихида илк бор “яшил” ва инновацион йўл барпо этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент – Самарқанд янги автомобиль йўли пойдеворига капсула қўйиб, унинг қурилишини бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи давомида А-373 ва Тошкент катта халқа йўллари кесишмасида барпо этилган янги йўл ўтказгични кўздан кечирди.

Мазкур иншоот транспорт оқимини самарали ташкил этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш, тирбандликларни камайитириш ҳамда Тошкент шаҳри билан Нурафшон ўртасидаги қатнов вақтини 10-15 дақиқага қисқартиришга хизмат қилади.

Бектемир ва Ўрта Чирчиқ туманлари туташган ҳудудда 14,1 гектар майдонда барпо этилган лойиҳанинг қиймати 240 миллиард сўмни ташкил этди. Объект таркибида узунлиги 66 метр, кенлиги 46 метр бўлган кўприк, 450 метрлик ер ости автомобиль йўли, иккита орта қайрилиш йўлаги, тўртта ер ости пиедалар ўтиш йўлаги ва 950 метрлик айлана халқа йўли қурилди. Шунингдек, 9,5 километр пиеда ва велойўлақлар, саккизта жамоат транспорти бекати, 240 та ташқи ёритиш чироглари ҳамда 6 километр йўл тўсиқлари барпо этилди.

Янги объектнинг ишга туширилиши натижасида йўналишнинг кунлик ўтказувчанлик қуввати бир неча баробарга ошиб, 130 мингта автотранспорт воситасига етади. Бу эса пойтахт ва Тошкент вилояти ўртасидаги транспорт алоқаларини янада яхшилаш, тирбандликларни бартараф этиш ҳамда аҳоли учун қўлай ҳаракатланиш шароитини яратишга хизмат қилади.

Президентимизга лойиҳанинг техник ечимлари, транспорт оқимини бошқариш имкониятлари ҳамда келгусида Тошкент – Нурафшон йўналишида тезкорав автобуслар тизимини (BRT) йўлга қўйиш бўйича режалар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув канали бўйида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида соҳил бўйи масканларини тартибга солиш ва у ерда замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳалар нафақат аҳоли учун қўлай дам олиш масканларини яратишга, балки янги иқтисодий имкониятларни ишга солиш орқали ҳудудларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув канали соҳили ҳам бугун ана шундай сўлим масканлардан бирига айланмоқда. Ўтган йили бошланган қурилиш ишлари натижасида 32 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобидан соҳил бўйининг 9 километр узунлидаги қисми ободонлаштирилди.

Лойиҳа икки bosқичда амалга оширилаётган бўлиб, дастлаб Тинчлик ва Қорасув маҳаллалари оралиғидаги 1,6 километр узунлиқда соҳил қисми ободонлаштирилди. Пиедалар учун замонавий йўлақлар, фаввора, воркаут майдончалари, акваларк ҳамда кўприк ости туннели аҳоли хизматиға шай.

Ҳудудда, шунингдек, манзарали дарахтлар, қўлай ўриндиқлар билан бирга умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам барпо этилган.

Кейинги bosқичда Қорасув, Роватак ва Файзобод маҳаллаларидан ўтувчи қисмида кўнгилочлар, дам олиш ва гастрономик кўчалари ташкил этилади. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сони 6 тага етказилиб, 150 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Нурафшон шаҳрида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг янги барпо этилган Ижтимоий ҳимоя мажмуасида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқароларга кўрсатилаётган давлат ижтимоий хизматлари қўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида илк маротаба ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя мажмуаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига комплекс хизматларни бир жойда кўрсатиш имкониятига эга.

У ерда 5 та муассаса – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси, ҳудудий Ижтимоий инспекция, Нурафшон шаҳри “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, тиббий-ижтимоий эксперт

комиссияси ҳамда ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази жойлаштирилган.

Мажмуа барпо этилиши ҳисобига ҳар йили Нурафшон шаҳри ҳамда унга яқин бўлган Ўрта Чирчиқ, Пискент, Оққўрғон ва Бўқа туманларида 10 мингга яқин фуқаро ижтимоий хизматлар билан қамраб олинади.

Мазкур муассасада 100 нафарга яқин ходим фаолият юритиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг жамиятга тўлақонли ва мустақил мослашишига кўмак берилади. Шунингдек, ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нодавлат сектор имкониятларини кенг жалб этиш орқали 5 турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Натижада кўп йиллар уйида ўтириб қолган ва ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтожлар, ногиронлиги бўлган болалар жамиятга интеграция қилинади.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари ногиронлиги бўлган шахсларни янги стандарт ва сунъий интеллект ёрдамида ташхислаш, Тошкент вилоят тажрибаси асоси-

Бугунги кунда олийгоҳда 2 та факультет ва 4 та кафедра фаолият юритиб, 8 та бакалаврият ҳамда 2 та магистратура йўналишида қарийб 1 минг нафар талаба тахсил олмоқда.

Университетда 1 минг 585 ўринли ўқув биноси, 805 ўринли талабалар турар жойи, замонавий спорт мажмуалари, ошхона ва ахборот-ресурс маркази ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари университетда яратилган шароитлар билан танишди. Олийгоҳда тахсил олаётган ёшлар билан самимий мулоқот бўлиб ўтди.

– Келажақда сиздек мутахассисларга эҳтиёж янада ошади. Ҳар бир соҳа ва ҳар бир ҳудуд рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг ривожланмаса, мамлакат тараққиқй этмайди. Шунинг учун сизлар ўз устингизда тинимсиз ишлаб, энг замонавий билимларни эгаллашингиз керак, – деди Президентимиз.

Университет жамоаси халқаро киберхавфсизлик мусобақалари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳакатонларда юқори натижаларни кўлга киритиб келмоқда. Экологик барқарорлик тамойил-

# УЗОҚНИ КЎЗЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ УЧУН МУСТАҚКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ



да маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг янгилаш ишлаш механизмлари тақдмоти билан танишди.

Президентимиз мазкур Ижтимоий ҳимоя мажмуасида яратилган шароитларни кўздан кечирар экан, аҳолининг муҳтож қатламини кўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга муносиб мослашиши ҳамда ижобий руҳият билан яшашига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканини таъкидлади.

Шундан сўнг Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилоятидаги “Инсон” волонтерлари жамоаси билан суҳбатлашиб, уларнинг лойиҳалари билан танишди. Мажмуа фаолиятини маъқуллаб, республика бўйлаб шунга ўхшаш ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари сонини уч баробарга ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, мавжуд имкониятларни янада кенгайтириб, ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари сонини республикада камиди 90 тага етказиш мақсад қилинган. Бунда янги марказлар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли кўп истиқомат қиладиган, транспорт катнови қўлай ҳамда фуқаролар учун етиб бориш осон бўлган ҳудудларда ташкил этилиши режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида ахборот хавфсизлиги ва рақамли технологияларга иқтисослашган “Cyber University” давлат университетига фаолияти билан танишди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий IT-хабга айлантириш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бунинг учун давлат бошқаруви ва иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, замонавий алоқа инфратузилмасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда инновацион экотизимни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда яратилган қўлай шароитлар натижасида юртимизда IT компаниялар, юқори даромадли иш ўринлари ва рақамли хизматлар экспорти изчил кўпаймоқда. Мазкур жараёнда замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

“Cyber University” давлат университети Президентимизнинг 2025 йил 20 январдаги қарорига мувофиқ, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида мустақил олий таълим муассасаси сифатида ташкил этилган.

Университетда ахборот ва киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва робототехника, киберхуқуқ, рақамли криминалистика ҳамда кибериктисодиёт соҳалари учун халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрланмоқда.

лари асосида шакллантирилган олийгоҳга “Яшил кампус” мақоми берилган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев университетга туташ ҳудудда барпо этиладиган Келажак технологиялари маркази қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида буюк аждодимиз Муҳаммад ал-Хоразмий асос солган алгоритмлар бугун глобал иқтисодиётнинг ўзаги ва инсонлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланганини таъкидлади.

Ҳозирги дунёда рақобат йиллар ва ойлар билан эмас, балки дақиқалар ва сониялар билан ўлчанмоқда. Рақамлаштиришни орта сурган, сунъий интеллектни ўзлаштирмаган ва инновацияларга сармоя киритмаган давлатлар глобал тараққиётдан ортда қолиши қайд этилди.

– Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини рақамлаштириш билан жиддий шугулланмасдан туриб, ривожланиш мумкин эмас. Бусиз келажакимиз йўқлигини барчамиз теран англашимиз керак, – деди Президент.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги натижалари халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жорий йилда венчур инвестициялар ҳажми 5 баробар кўпайиб, ўсиш суръати бўйича мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринга кўтарилди.

Ўзбекистоннинг миллий стартап экотизими қарийб 4,5 миллиард долларга етди. Инновацион гоъяларни рағбатлантириш мақсадида мукофот жамғармаси 5 миллион доллар бўлган Президент стартап танловиға старт берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича Бутунжаҳон ташкилотининг таъсисчиларидан бири бўлиб, бу борадаги глобал жараёнлар шакллантиришда иштирок этадиган давлатлар сафидан жой олди.

Умумий майдони 36 гектар бўлган марказ қурилишига қарийб 500 миллион доллар инвестиция жалб қилинади. У таълим, илмий-тадқиқот, технология снов ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган ягона инновацион экотизим бўлади.

Нурафшон шаҳрининг танланиши бежиз эмас. Бу ердаги “Cyber University”да киберхавфсизлик ҳамда ахборот ҳимояси соҳаларида қарийб 1 минг нафар мутахассис тайёрланмоқда. Энди университет атрофида бутун мамлакат учун намуна бўладиган яхлит инновацион кластер шакллантирилади.

Марказда киберхавфсизлик, сунъий интеллект, булутили технологиялар ва криптография йўналишларида 6 та замонавий лаборатория ташкил этилади.

Шунингдек, сунъий интеллект дата-маркази ва муҳандислик кластери, ҳимояланган

компьютер ҳамда маълумот узатиш қурилмалари, юқори технологик токенлар ишлаб чиқариш маркази барпо этилади. Учувчисиз дрон қурилмалари ва робототехника воситаларини синовдан ўтказиш учун махсус полигон фаолияти йўлга қўйилади.

Осиё тараққиёт банки кўмағида маҳаллий технологияларни тижоратлаштириш ва миллий маҳсулотларни халқаро бозорларга олиб чиқиш платформаси яратилади. Лойиҳаларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш учун 5 мегаваттли энергетика қувватлари барпо этилади.

Марказга етакчи глобал компаниялар, университетлар ва олимларни жалб қилиш, талабалар ва ходимлар учун замонавий ижтимоий, маданий ва маиший инфратузилма яратиш кўзда тутилган.

Энг муҳими, мазкур инновацион экотизимда 5 мингдан зиёд юқори малакали иш ўрни ташкил этилади. Марказ Тошкент вилоятида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва ҳудуднинг инновацион салоҳиятини юксалтиришга катта туртки беради.

Қайд этилганидек, жорий йилда Тош-

техника ва механизмлар буюртмачиларга етказиб берилди.

Корхона импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги 10 гектар ер майдонида янги завод қуриш режалаштирилган. Бу эса йилига 15-18 миллион долларлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотлар ҳамда замонавий технологик ечимларни кўздан кечирди. Соҳа мутасаддилари ва муҳандислар билан мулоқотда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғида Тошкент вилояти жамоатчилиги билан тантанали учрашувда иштирок этди.

Тадбирда нурунийлар, ёшлар ва фаоллар қатнашди. Мамлакатимиз етакчилиги йўлланганлари самимий кутлаб, вилоят аҳли билан яна бир бор дийдор қўришиб турганидан мамнулигини билдирди.

Қайд этилганидек, яқин йилларгача катта иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятга эга Тошкент вилоятининг ўз маъмурий маркази мавжуд эмас эди. Қисқа вақт ичида Нурафшон шаҳри янгитдан барпо этилиб, бу ерда замонавий маъмурий, ижтимоий ва маданий инфратузилма шакллантирилди.

Шаҳарда “Янги Ўзбекистон” боғи, “Ватанпарвар боғи”, матонатли ўзбек аёли Зулфия Зокировага бағишланган ёдгорлик мажмуаси, хибонлар, сунъий қўл, амфитеатр ва фавворалар, кенг яшил ҳудудлар, велосипед ҳамда пиедалар йўлақлари барпо этилди.

– Бу ердаги ҳар бир корхона, ҳар бир кўча ва бино, майдон ва хибон сергайрат, меҳнаткаш ва фидойи вилоят аҳли билан биргаликдаги ишларимизнинг натижасидир, – деди Президентимиз.

Бугун Нурафшон шаҳри Янги Ўзбекистон тимсоли сифатида намоён бўлаётгани таъкидланди. Шаҳарнинг номи “нур сочувчи”, “зиё тарқатувчи” деган маъноларни англатади. Шу боис, гўзал кент замонавий қиёфаси, тараққиёти, маданияти, бошқаруви ва инсон кадрига бўлган муносабати билан ҳам бошқаларга намуна бўлиши кераклиги қайд этилди.

Нурафшон мамлакатимизда “ақлли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳар сифатида ҳам тарихга кирмоқда. Бу ерда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва экологик инфратузилма ягона тизимга бирлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нурафшоннинг илмфан, юксак технологиялар ва ёшлар шаҳрига айлантириш асосий мақсад эканини таъкидлади. Бу ерда минг ўринли маданият саройи, Бадиий академиянинг вилоят бўлими, Сунъий интеллект маркази, Ахборот-ресурс кутубхонаси ва касблар марказини ўз ичига олган замонавий “Ёшлар шаҳарчаси” бунёд этилмоқда.

“Нурафшон бизнес сити” лойиҳаси доирасида маъмурий, бизнес, таълим, тиббиёт, маданият ва турар жой ҳудудлари ўзаро уйғун ҳолда ривожлантирилмоқда. Жумладан, 700 ўринли кўп тармоқли тиббиёт марказида телемедицина ва робототехника ёрдамида 60 дан зиёд юқори технология тиббий хизмат кўрсатилиши режалаштирилган.

Шарқ бозори, ҳунармандчилик кўчалари, миллий павильонлар, амфитеатр ва замонавий дам олиш масканларини қамраб олган туристик-маданий мажмуа ҳам Нурафшоннинг ташриф қорғизига айланади.

Тадбирда Тошкент вилояти мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик таянч ҳудудларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Республика ялли ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги беш йилда ҳудудга 16 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони қарийб 3 мингтага, экспорт ҳажми эса 3 миллиард долларга яқинлашди.

Президентимиз вилоятни Тошкент шаҳри билан ягона иқтисодий ва транспорт макони сифатида ривожлантиришга доир янги лойиҳалар ҳақида ҳам сўз юритди. Пойтахт билан боғловчи жамоат транспорти йўналишлари кенгайтирилиб, Тошкент – Нурафшон йўналишида замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилиши белгиланди.

– Сиз, азиз Тошкент вилояти фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, зиёлилар, нурунийлар ва сергайрат ёшлар билан биргаликда бу заминни янада яшнатамиз, мамлакатимиз тараққиётининг мустақкам ва қудратли таянчига айлантириш. Мен бунга қатъий ишонман ва Президент, давлат раҳбари сифатида бутун халқимиз қатори Тошкент вилояти аҳолисининг тинч, фаровон, бахтли ҳаёт кечирishi учун бундан бунён ҳам бор кўча ва имкониятими сафарбар этаман, – деди давлатимиз раҳбари сўзининг якунида.

Тадбир маданий дастур билан давом этди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига сафари якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**Абдуллаз РУСТАМОВ,**  
**Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
**Мархаб ҲОЖИАКБАРОВ,**  
**Абдулазиз МУСАЕВ,**  
**ЎЗА махсус мухбирлари**

# ТИЗИМ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

**Маълумки, фавқуллода вазият юз берганда энг муҳими тезкорликдир. Хавф ҳақида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш инсон ҳаётини сақлаб қолиш, талафотларни камайтириш ва кутқарув ишларини самарали ташкил этишининг энг муҳим омилли ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

## ▼ Назорат

Вилоятимиздаги стратегик аҳамиятга эга Тошкент сув омборида фавқуллода вазиятлар юзага келганда аҳолини тезкор огоҳлантиришга мўлжалланган локаль огоҳлантириш тизимининг амалий синовдан ўтказилгани бу йўналишдаги муҳим ишлардан бири бўлди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ҳамда Сув ҳўжалиги вазирлиги топшириқлари ижроси доирасида амалга оширилди. Унда сув ҳўжалиги, фавқуллода вазиятлар хизмати ҳамда бошқа масъул ташкилотлар мутахассислари иштирок этишди.

Ўқув машғулоти жараёнида марказий бошқарув пунктидан туриб сиреналар ва овозли хабар бериш қурилмалари ишга туширилди. Сигналлар Ўрта Чирчиқ, Пискент, Оққўрғон туманлари ҳамда Нураф-

шон шаҳрида ўрнатилган локаль огоҳлантириш қурилмалари томонидан ўз вақтида қабул қилинди. Бу эса тизимнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатишини яна бир бор тасдиқлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, локаль огоҳлантириш тизими сув тўғони билан боғлиқ фавқуллода ҳолатлар, кучли сел, юқори сув оқими ёки бошқа хавфли вазиятлар юзага келганда аҳолини бир неча дақиқа ичида огоҳлантириш имконини беради. Бу эса эвакуация ишларини тезкор ташкил этиш, фуқароларни хавфсиз ҳудудларга йўналтириш ва эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, табиий ва техноген тусдаги фавқуллода вазиятларнинг олдини олишда энг самарали усуллардан бири аҳолини эрта



огоҳлантириш тизимларини жорий этишдир. Замонавий рақамли технологиялар асосида ишлайдиган бундай тизимлар хавфни қисқа вақт ичида аниқлаш ва аҳолига етказиш имкониятига эга.

— Тошкент сув омбори мамлакатимиздаги энг муҳим гидротехника иншоотларидан бири ҳисоблана-



туманларидаги 122 минг гектардан зиёд ерлар суғорилади. Бу эса мазкур иншоотнинг нафақат сув ҳўжалиги, балки мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутитишини аңглатади.

Иншоотнинг техник имкониятлари ҳам юқори. Тўғоннинг умумий узунлиги 2 минг 815 метр, баландлиги 36,5 метрни ташкил этади. Фавқуллода ташлама иншооти эса секундида 760 куб. метр сувни хавфсиз ўтказиш қувватига эга. Ушбу кўрсаткичлар юқори сув оқимларини хавфсиз қабул қилиш ва бошқариш имконини беради.

Сув омборида гидротехника иншоотларининг техник ҳолати мунтазам назорат қилиниб, диагностика

ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, рақамли бошқарув тизимлари, автоматлаштирилган кузатув воситалари ва муҳандислик назорати босқичма-босқич тақомиллаштирилмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, хавфсизлиқни таъминлаш фақат замонавий техника билан чекланмайди. Энг муҳими, аҳолининг фавқуллода вазиятларда қандай ҳаракат қилиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, доимий ўқув машғулотлари ва амалий синовларни ўтказиб боришдир. Чунки ҳар бир фуқаронинг тўғри ва тезкор ҳаракати кўплаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Тошкент сув омборида локаль огоҳлантириш тизимининг ишга туширилиши сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир амалий натижасидир. Бу нафақат гидротехника иншоотларининг ишончли эксплуатациясини таъминлайди, балки аҳоли хавфсизлигини мустаҳкамлаш, фавқуллода вазиятларнинг салбий оқибатларини камайтиришга хизмат қилади.

Зеро, хавфсизликка киритилган ҳар бир сармоя инсон ҳаёти, юрт осойишталиги ва келажақ барқарорлигини қўшилган муносиб ҳиссадир.

**Нигора ЭРКИНБОЕВА**  
Салим АҚБАРОВ  
олган суратлар

## ▼ Бандлик

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни кенгайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада томорқачилик ва иссиқхоначиликни ривожлантиришга қаратилган амалий ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, ҳар бир хонадон томорқасидан самарали фойдаланиш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш орқали аҳоли учун барқарор даромад манбаи яратилаётгани эътиборга молик.

Бу борада Пискент туманида амалга оширилаётган ишлар ибратли тажриба сифатида эътироф этилмоқда. Бугунги кунда тумандаги 17 минг 814 та хонадон ихтиёрида жами 2 минг 296 гектар томорқа ер майдонлари мавжуд. Ҳозирда 1 минг 154 та хонадонда иссиқхона ташкил этилган. Натижада юзлаб оилалар йилнинг тўрт фаслида ҳам даромад топиб, ички бозорни янги ва сифатли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашга



ҳисса қўшишмоқда. Жумладан, тумanning "Бирлик" маҳалласида яшовчи томорқачи Шавкат Одиллов томорқасидаги 10 сотих майдонда замонавий иссиқхона барпо этиб, помидор ва бўлғор қалампирни етиштирмоқда. Иссиқхонада экинлар икки қават қилиб жойлаштирилган. Юқори қисмида помидор, пастки



## ТОМОРҚА — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

қисмида эса бўлғор қалампир парваришланади. Бу эса бир вақтнинг ўзида турли маҳсулотлар етиштириш, ҳосилдорлиқни ошириш ва ердан тўлиқ фойдаланиш имконини бермоқда.

Шавкат ака томорқасидан йил давомида уч марта ҳосил олишга эришмоқда. Маҳсулотлар маҳаллий бозорларга етказиб берилиб, оила бюджетига салмоқли даромад келтирмоқда. Энг муҳими, бир неча йил аввал оддий томорқа бўлган майдон бугун бутун бир оиланинг барқарор тирикчилик манбаига айланган.

Албатта, бундай натижага эришишда соҳа мутахассисларининг амалий кўмаги муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Ўсимлик-

муҳофаза қилиш, юқори ҳосилдор навларни танлаш, минерал озиқлантириш тизимини тўғри ташкил этиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш ҳамда экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулот етиштириш юзасидан амалий тавсиялар бериб келинмоқда.

Шунингдек, иссиқхоналарнинг фитосанитар ҳолати доимий назорат қилиниб, зарарли организмларни эрта аниқлаш ва уларга қарши самарали кураш чоралари кўрилмоқда. Натижада маҳсулот сифати яхшиланиб, экспорт географияси кенгаймоқда. Энг муҳими, ҳар бир томорқа ортида оилалар фаровонлиги, юртимиз озиқ-овқат хавфсизлиги ва экспорт салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

— Туманда жорий йил учун 4,5 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти режалаштирилган, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Пискент тумани бўлими етакчи мутахассиси Шерзод Раҳмонов. — Бугунги кунга қадар 2,4 миллион долларлик экспорт амалга оширилди. Эътиборлики, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 76,1 фоизга ўсган. Албатта, бунда бўлимимиз ходимларининг ҳам ҳиссаси бор.

Мутахассиснинг таъкидлашича, мазкур рақамлар деҳқон ва томорқа эгаларининг меҳнати, соҳа мутахассислари ҳамда карантин хизмати ходимларининг доимий амалий кўмаги натижасидир.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири  
Муаллиф олган суратлар

## ПИЛЛАЧИЛИК: БИЛИМ, КўНИКМА ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

Юртимиз пилла хом ашёси етиштириш бўйича Хитой ва Ҳиндистондан кейинги ўринларда туриши пиллачиликнинг иқтисодийетимиздаги ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатади. Бугунги кунда тармоқ нафақат экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, балки қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва ҳудудлар иқтисодийетини ривожлантиришда ҳам муҳим омилга айланмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пиллачиликда юқори натижаларга эришиш фақат хом ашё етиштириш билан эмас, балки илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис Хитой, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Жанубий Корея мамлакатларида мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бугунги кунда пиллачилик соҳасида рақобат фақат унинг ҳажми билан эмас, балки маҳсулот сифати, инновацион ёндашув ва инсон капитали билан белгиланмоқда. Шу маънода, тармоқнинг барқарор ривожланиши, аввало, илм-фанга таянган ишлаб чиқариш тизими ва уни амалиётга татбиқ эта оладиган юқори малакали кадрларга боғлиқ. Агар кадрлар тайёрлаш тизими замон талабларига мос равишда тақомиллаштирилмаса, соҳадаги ислохотлардан қутилган натижага эришиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистонда ҳам пиллачилик соҳасини комплекс ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар тармоқни тубдан ислоҳ қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, тутзорларни кенгайтириш, илм-фан ва таълим интеграциясини кучайтириш ҳамда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 12 январда қабул қилган "Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори пиллачилик тармоғини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда тармоқнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эътиёжини ўрганиш, тизимли равишда кадрлар тайёрлаш, мавжуд мутахассислар малакасини ошириш ҳамда таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мус-

таҳкамлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Қарор ижроси доирасида университетда "Ипакчилик ва тутчилик" таълим йўналишида давлат таълим стандартлари тақомиллаштирилди, HEMIS платформаси тўлиқ жорий этилиб, замонавий ўқув режалари ва дастурлари ишлаб чиқилди. Янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, талабаларнинг инновацион фоялари ҳамда стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, дуал таълим асосида талабаларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида амалий билим ва кўникмаларини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Айни пайтда меҳнат бозорида наза-



рий билим билан чекланиб қолмайдиган, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган ва ишлаб чиқариш шароитида мустақил қарор қабул қила оладиган мутахассисларга эътиёж ортиб бормоқда. Шу боис таълим жараёнини амалиёт билан янада яқинлаштириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишини кенгайтириш ва дуал таълимни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, тармоқ тараққиётини таъминлайдиган энг муҳим омил — замонавий билим, амалий кўникма ва инновацион фикрлайдиган кадрлар ҳисобланади.

Соҳада халқаро ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Хитой, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Жанубий Корея ва Италиянинг илғор тажрибалари ўрганилиб, таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Қўшма таълим дастурлари, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви соҳанинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Пиллачилик тармоғининг барқарор

## ▼ Аграр соҳа

**Дунё бозорида табиий ипакка бўлган талаб йилдан-йилга ортмоқда. Бу эса Ўзбекистон олдида пиллачилик тармоғини замонавий технологиялар, мустаҳкам озуқа базаси ва энг муҳими, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш вазифасини қўймоқда. Янги Ўзбекистонда соҳани комплекс ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар нафақат экспорт салоҳиятини юксалтириш, балки қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.**

ривожланиши, энг аввало, мустаҳкам озуқа базасига боғлиқ. Шу мақсадда замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ресурс тежовчи усуллардан фойдаланиш, янги тутзорлар барпо этиш, юқори ҳосилли тут навларини экиш ва сув тежовчи суғориш технологияларини қўллашга устувор аҳамият берилмоқда. Бу эса пилла ҳосилдорлигини ошириш ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга замин яратмоқда.

Аммо озуқа базасини мустаҳкамлаш фақат янги тутзорлар барпо этиш билан чекланмайди. Энг асосий вазифа — мавжуд тутзорлар самарадорлигини ошириш, юқори ҳосилли навлар сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда агротехник тадбирларни илмий асосда ташкил этишдир. Бу борада инновацион агротехнологияларни кенг жорий этиш, рақамли ечимлардан фойдаланиш ва илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш келгусида пиллачилик тармоғининг барқарор ривожланишида муҳим омилга айланади.

Шу билан бирга, соҳада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш, ёшларни инновацион фаолиятга жалб қилиш ва "Келажақ фермерлари" ташаббусини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Бу чора-тадбирлар пиллачиликнинг иқтисодий самарадорлиги билан бир қаторда унинг ижтимоий аҳамиятини ҳам янада оширмоқда.

Мухтасар айтганда, пиллачилик соҳасининг эртанги тараққиёти замонавий технологиялар, мустаҳкам озуқа базаси ва билимли кадрлар уйғунлигига бевосита боғлиқ. Янги Ўзбекистонда айнан шу йўналишларга устувор аҳамият берилаётгани тармоқнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда. Эндilikда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ва соҳа учун рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш пиллачиликнинг янги босқичга кўтарилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу эса мамлакатимиз иқтисодийетининг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини юксалтириш ва ўзбек ипагининг халқаро бозордаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ч. БЕККАМОВ,**  
ТДАУ Ипакчилик ва тутчилик кафедраси профессори

# ИСТИҚЛОЛ ТАРИХНИНГ ИМТИҲОНИДИР

Мустақиллик – улуг байрам. Жуда ҳам улуг. Биз кейинги авлоднинг назарида, бугунги кунларга қийинчиликсиз, қон тўкишларсиз эришдик. Бироқ унга келгунча кечилган ачиқ заҳматлар доғи ҳали халқимиз вакиллари қалбидан кетгани йўқ.

Ёшликни эслаймиз. Маҳаллаларда бирор бадавлат кишида машина бўлмаса, қолганлар тушида ҳам кўрмасди. Олис-олис манзилларга тикилиб-сикилиб қатнайдинганимиз – катта автобусларнинг бузилиб-бузилиб юриши кунлик кўникма эди. Шошмасдик, сабр қилардик. Чунки бундан бошқача бўлишини тасаввур этмасдик. Тан олайлик, агар бизнинг у йиллардан яхши хотираларимиз бўлса, улар ўзимизники, умримизнинг ёшлик фасли экани, ҳаётга завқ билан қараган чоғларимиз билан боғлиқ.

Бутун кўча тўла ҳар турдаги машиналарни кўриб нега шукр қилмаймиз?

Пахта терим мавсумида тўксон кунлаб ётиб пахта терган оламни кўргани икки мартагина бордик. Ўзи икки мартагина келиб бир кундан туриб кетди. Мактаб битирувчиси эди ўшанда. Бир гал борганимизда қанча йўл босиб ўтдик ҳамки, пахта далалари тугамайди. Мен – ёш бола, йўлни томоша қилиб кетаётгандим, шундай зерикдимки. Бугун далаларимиз марказнинг чексиз пахта плантацияларигина бўлиб қолмай, турли экинлар, мевалар етиштирилаётган боғ-роғларга айланганини, боғларни энди чинакам эгалари – ўз деҳқонларимиз парваришлаётганини, меҳнати самарасидан, энг аввало, ўзлари баҳраманд бўлаётганини кўриб нега шукр қилмаймиз?

Қўлимга "Ҳамса" китобининг иттифоқ йилларида чоп этилган нусхасини олам. Биринчи дoston ўн иккинчи бобдан бошланган. Қолган дostonлардан ҳам катта-катта боблар чоп этилмаган. Сабаби, у бобларда

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Аллоҳга ҳамд, пайғамбарларга наът келган эди. Дostonлар орасида ҳам Аллоҳ сифатлари, унинг жилвалари қуйланган ўринлар кесиб олиб ташланган. Шу аҳволда ўргандик биз Навойни. Биргина шу китобимди ана шу ҳолга солиб чоп этилган?

Ҳамма мумтоз адабиёт намуналари шу пажмурда кўринишда эди. Мактабларда эса "Диний атеизм"дан зўр бериб дарс ўтиларди. Бугун Ҳазрат Навоидан тортиб, биз ўқувчилик йилларида номини ҳам билмаган Аҳмад Яссавий, Суфи Оллоёрлар китоби қўлимизда эканидан, уйларимиз тўрида муқаддас Қуръонни яширмай сақлаётганимиз, эркин ўқийганимизни ўйлаб, масжидларимиз имонли одамлар билан тўлаларини кўриб нега шукр қилмаймиз?

Ҳар қандай китоб бошида "Буюк Ленин", "Коммунистик партия ғоялари"ни келтириш шарт бўлгани-чи? Йўқса у китоб дунё юзини кўролмас-

ди. Тушунарсиз қоида ва низомларни ҳар қадамда ўқишга, "шонли сафлар"га кириш учун жуда кўп мантиқсиз ғояларни ёдлашга тўғри келарди. Бугунги ёшларнинг бутун дунё бўйлаб истаган олий ўқув юртида ўқиш имконияти борлиги, ўз фарзандим ҳам олтига ўқув даргоҳига ҳужжат топшириб, охири яна Ўзбекистондагисини танлаганига нега шукр қилмайин?

Бугун бу эркин кунлар ҳақида жўшиб гапирганларга маломат қилувчилар бор. Уларнинг шу маломатдан бошқа ҳеч қорға ярамасликларини ҳам биламиз. Начора, беш қўл барабар эмас. Биз эса уларнинг кўнглидаги қирларни маломат қилиб ўтирмаймиз.

Мустақиллик, сен менга жуда керак эдинг. Умримнинг гулгун даврини сен билан яшаганимдан, яшаётганимдан бахтиёрман. Мен куллик учун яралмаганман. Менинг халқим ҳам. Қўлимдан нимаики кичик юмуш келса,

сенинг мустақамлигинга сарф этман. Яна ҳали ўз айтар сўзларимни эркин, бемалол айтаман. Ўз тилимда. Гарчи истибод тилимни бузган бўлса-да, мен барибир ўз тилимда айтаман. Умидимки, мени ҳам тингловчилар, ўқигувчилар бўлғай.

Шоира Ойдин Ҳожиёвнинг «Истиқлол тарихнинг имтиҳонидир» деган ҳикмати йиллар ўтган сари янада теран маъно касб этмоқда. Чунки истиқлол бизга фақат озодлиқни эмас, балки ўзлгимизни, миллий ғуруримизни, қадриятларимизни ва келажагимизга бўлган ишончимизни қайтарди. Бугун Янги Ўзбекистонни бунёд этаётган халқ сифатида ана шу буюк неъматнинг қадрига етиш, унинг ҳар бир кунини эзгу амаллар билан безаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Маъмура ЗОҲИДОВА,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар**  
**уюшмаси аъзоси**

## Сўраган эдингиз

– "Аёллар дафтари-га" киритилган аёллар имтиёзли шартларда тиббий ёрдам олиши мумкинми?

**Анора БЕКМУРОВА,**  
*Зангуота тумани*

## Саволга вилоят

**Адлия бошқармаси шўъба бошлиғи**  
**Темур АБДУРАСУЛМИРЗО жавоб беради:**

– «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган фарзандларига тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати сектор ишчи гуруҳи томонидан аниқланганда, уларнинг саломатлиги ҳудудий бирламчи тиббий – санитария муассасасидан шифокор жалб қилинган ҳолда баҳоланади. Ўрганиш натижасига кўра тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати тиббиёт ходими томонидан аниқланганда, белгиланган тартибда тегишли бирламчи тиббий – санитария муассасасига йўналтирилади ва стационар ёки амбулатор даволаниш масаласи ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифага кирмайдиган, аммо бирламчи тиббий – санитария муассасаси томонидан вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилган «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар, шунингдек,



уларнинг вояга етмаган (қарамоғида I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандларининг ешидан қатъи назар) фарзандларининг даволаниши билан боғлиқ бўлган харажатлар, секторлар раҳбарлари ҳулосасига асосан «Аёллар дафтари» жамғармаси ва Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қўллаб берилади.

Вилоят ёки республика даражасида даволаниши лозим деб топилган хотин-қизлар, шунингдек, уларнинг вояга етмаган фарзандлари белгиланган тартибда электрон навбатга қўйилиши таъминланади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ва (ёки) уларнинг вояга етмаган фарзандларига даволаш, дори воситаларини олиб бериш ёки мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун маблағ зарур бўлган ҳолатларда, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ва сектор раҳбари ҳулосалари билан тиббий муолажа харажатлари «Аёллар дафтари» жамғармаси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ва «Саховат ва қўмақ» жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

**Ёзги таътил болалар учун нафақат дам олиш, балки янги билим ва кўникмаларни эгаллаш, иқтидорини намоён этиш ҳамда ўз устида ишлаш учун имкониятдир. Айниқса, жорий йилги таътил кунлар алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ташкил этилаётган мазмунли машғулотлар уларнинг жамиятга мослашуви, қобилиятини ривожлантириши ва келажақда мустақил ҳаётга тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.**

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси тасарруфига қарашли Ангрен шаҳридаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 9-сонли мактаб ана шундай муҳит яратилган таълим муассасаларидан ҳисоб-



**Болалар ёзи – 2026**

ланади. Бугунги кунда мазкур мактабда таълим олаётган 112 нафар ўқувчига таътил даврида спорт, ижод ва касб-хунарга йўналтирилган машғулотлар ташкил этилган.

Мактаб жамоасининг меҳнати ўқувчиларнинг эришган ютуқларида ҳам аққол намоён бўлмоқда. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташаббуси билан ўтказилган "Инсон учун" марафониди мактабнинг 21 нафар ўқувчиси фаол иштирок этди. Мусобақа якунига кўра, Мадина Яҳёева иккинчи ўринни қўлга киритиб, 2 миллион сўм,

Латифа Габдирахманова учинчи ўрин ва 1 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Бу натижалар ўқувчиларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади. Мазкур мактаб ўқувчилари спорт соҳаси-



да ҳам яхши натижаларни қайд этишмоқда. Жумладан, ўтган ойда ташкил этилган "Кўёшли болалар" спорт мусобақасида Али Дашзари, Асп Рисбоев, Азиз Қаршибоев ва Фарзона Нуруллаева муваффақиятли иштирок этиб, жами 5 та медални қўлга киритишди.

– Таълим муассасасида жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги тизимли ишлар ўз самарасини

бермоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълимини ташкил этиш шўъбаси мудри Шўҳрат Мавлонов. – Айни пайтда мактабда ёзги таътилни мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таътил кунларида ўқувчилар спорт мусобақалари, тасвирий санъат, қўл меҳнати, musiқа, китобхонлик, фан ва ижодий тўғараклар, шунингдек, турли касб-хунарга йўналишидаги амалий машғулотларга мунтазам жалб этилмоқда. Бу машғулотлар болаларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиб, ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошилмоқда. Натижада ўқувчилар бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга, янги билим ва кўник-

маларни эгаллаб, мустақил фикрлашга ўрганишмоқда.

Бугун мамлакатимизда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун тенг имкониятлар яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ангрен шаҳридаги мазкур ихтисослаштирилган мактабда амалга оширилаётган ишлар ҳам ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси бўлиб, ҳар бир боланинг янги қирраларини очмоқда.

Зеро, билим, спорт ва ижод уйғунлигида ташкил этилаётган бундай мазмунли ёзги таътил болаларининг янги ўқув йилга янада соғлом бўлиб чиқишлари, шунингдек, келгусида жамиятда муносиб ўрин эгаллашларида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
**"Тошкент ҳақиқати" муҳбири**  
*Муаллиф олган суратлар*

# ИЖОД ВА СПОРТ бир масканда



Ёз фасли... Иссиқ ҳаво, таътил, дарё ва кўллар соҳилига ошиқадиган одамлар. Айниқса, болалар учун чўмилиш энг сеvimли машғулотлардан бири. Аммо шу завқли дамлар баъзан бир лаҳзада қайғуга айланиши мумкин.

▼ Эҳтиёт шарт!

# Ёз завқи ФОЖИАГА АЙЛАНМАСИН!



Статистик маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили қарийб 310 минг нафар инсон сувга чўкиш оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Бу деярли ҳар соатда ўттизга яқин одам дегани. Ачинарлиси, уларнинг аксариятини болалар ва ёшлар ташкил этади.

Хўш, бунга сабаб шунчаки сузишни билмасликими? Ёки бир неча дақиқалик безэтиборликими? Аслида, болаларнинг қаровсиз қолдирилиши, тақиқланган жойларда чўмилиш, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик, спиртли

ичимлик таъсирида сувга тушиш ёки ўз имкониятини ортиқча баҳолаш шу каби фожиаларга сабаб бўлмоқда.

Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан аҳоли ўртасида сувда хавфсизлик қоидаларини тарғиб қилиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида ўқув-семинарлар ташкил этиш, биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўргатиш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Шунингдек, чўмилиш мумкин бўлмаган жойларга махсус

огоҳлантирувчи, тақиқловчи белгилар ўрнатилмоқда.

Унга кўра, чўмилиш фақат қутқарув хизмати мавжуд бўлган ва расман рухсат этилган сув ҳавзаларида амалга оширилиши керак. Нотаниш жойларда сувга ўзини отиш, дарё ва каналларда оқим кучини ҳисобга олмаслик, саёз ёки туби номаълум жойларга "калла ташлаш" оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Мутахассислар тавсиясига кўра, чўмилиш учун энг кулай вақт эрта-лаб соат 10:00 – 12:00 ва кечкурун 17:00 – 19:00 оралиғидир. Сув ҳа-

ворати етарлича илиқ, об-ҳаво эса кулай бўлиши лозим. Чарчоқ, касаллик, оч қорин ёки спиртли ичимлик таъсирида сувга тушиш мумкин эмас.

Шунингдек, яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Яъни, дарё, сой, канал ва ариқлар нафақат чўкиш хавфи, балки турли юқумли касалликлар манбаи ҳам бўлиши мумкин. Ифлосланган сув орқали ўткир ичак инфекциялари, вирусли гепатит ва бошқа хавфли касалликлар юқиши эҳтимоли юқори.

**Эслатма:** агар сувда кимдир ёрдамга муҳтож бўлиб қолса, шошқалоқлик билан ўз ҳаётингизни хавф остига қўйманг. Имкон қадар қутқарув воситаларидан – қутқарув айланаси, арқон, қайиқ ёки узун таёқдан фойдаланинг. Чўкич саросимага тушган инсон ўзини қутқармоқчи бўлган одамни ҳам сув тагига тортиб кетиши мумкин.

Хурматли ота-оналар: фарзандингиз сузишни яхши биладими? У чўмилмаётган жойда қутқарув хизмати борми? Бу ҳақда, албатта, қизиқинг. Бефарқ бўлманг. Зеро, бир лаҳзалик эҳтиётсизлик бир умрга зомин бўлиши мумкин.

**Нозима РАСУЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

## Аёл қадрли улуғланган юрт



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб кенг кўламли маънавий-маърифий тадбирлар, очиқ мулоқотлар ва учрашувлар давом этмоқда.

▼ Шукуҳ

Хусусан, "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" эзгу ғояси асосида барча шаҳар ва туманларда "Аёл қадрли улуғланган юрт" мавзусида ташкил этилаётган тадбирлар хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оила қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда юрт тараққиётига қўшаётган ҳиссаларини эътироф этишга хизмат қилмоқда.

Мазкур тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, фаол хотин-қизлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этиб, мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган имкониятлар

ва эришилаётган ютуқлар ҳақида фикр алмашилмоқда.

Шунингдек, маънавий-маърифий чиқишлар, маданий дастурлар ва самимий мулоқотлар тадбирларга ўзгача руҳ бағишламоқда.

Жорий йил июль ойининг ўтган даври мобайнида Тошкент вилоятида юқоридаги мавзуларда 270 та маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Уларда 15 минг 869 нафар хотин-қиз ва аҳоли вакиллари фаол иштирок этишди.

Бу каби тадбирлар юртимизда аёлга бўлган юксак эътибор ва эҳтиромни янада мустаҳкамлаш, жамиятда бирлик, ҳамжиҳатлик ва Ватанга садоқат туйғулларини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**  
**Ахборот хизмати**

## "ЎЗМЕТКОМБИНАТ": ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИДА



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирда журналистлар корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, рақамлаштириш жараёнлари ҳамда истиқболдаги режалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Пресс-тур доирасида дастлаб Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси бошқарув раиси Одилжон Тожиев ва "Ўзметкомбинат" АЖ бошқарув раиси Баҳодир Абдуллаев иштирокида учрашув ўтказилди. Мулоқот давомида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, жамоатчиликка тезкор ва ишончли ахборот етказиш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув якунида икки томонлама англашув меморандуми имзоланди.

Шундан сўнг журналистлар "Металлургия" музейи, "Металлургия" монументи ҳамда табиат боғи бўлиб, комбинат тарихи, меҳнат фахрийлари ҳамда корхона жамоасининг мамлакат саноати ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳақида маълумотлар билан таништирилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидалари батафсил тушунтирилди.

Навбатдаги манзил куюв-прокатлаш мажмуаси бўлди.

– Замонавий технологиялар асосида ташкил этилган мазкур ишлаб чиқариш мажмуаси йилга 1 миллион 40 минг тоннага яқин прокат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди "Ўзметкомбинат" АЖ бошқарув раиси Баҳодир Абдуллаев. – Бу ерда импорт ўрнини босувчи, Европа стандартларига мос рақобатбардор металл маҳсулотлари тайёрланмоқда. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида қарийб мингта янги иш ўрни яратилди.

Шу кун, журналистлар 2021 йилдан буён фаолият юритиб келаётган "Металлургия" футбол академиясида ҳам бўлдилар. Академияда иқтидорли ёш футболчиларни тайёрлаш учун замонавий ўқув-машғулот базаси, юқори даражадаги инфратузилма ва халқаро талабларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратилган.

Шунингдек, тур доирасида меҳнат фахрийлари ҳамда давлат мукофотлари билан тақдирланганлар билан учрашувлар ҳам ташкил этилди. Айниқса, комбинатда қарийб ярим асрдан зиёд меҳнат қилган металлург Ҳамид Андаевнинг хонадонидида ва куюв-прокатлаш мажмуаси мутахассиси "Зулфия" номидаги давлат мукофоти соҳибаси Дилноза Примкулова билан учрашув иштирокчиларда илиқ тасассурот қолдирди.

– Шундай нуфузли мукофотга корхонамизда инсон қадрли, меҳнатга ҳурмат ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир, – деди Дилноза ҳаяжон билан.

Хулоса қилиб айтганда, пресс-тур журналистларга мамлакатимиз металлургия саноатида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, замонавий технологияларнинг жорий этилиши ва корхонанинг иқтисодий тараққиётдаги ўрни ҳақида ҳолис ва батафсил тасаввур ҳосил қилиш имконини берди. Бу каби тадбирлар оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жамоатчиликни ишончли ахборот билан таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг саноат соҳасидаги уюшқларини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этади.

**Нигора ЎРОЛОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати ҳамда "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Тошкент вилояти телерадиоканали" давлат муассасаси директори Олимжон Беғалиева волидаи муҳтарамаси

**МАЛИКА аянинг**

вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.



Подшо ундан: «Хўш, қандай бўлмағур гаплар экан?» деб сўрабди. Вазир овозини пастлабди: «Подшонинг оғзидан қўланса ҳид келади. Мен унинг олдида кирганимда, кўнглим айнийди, шу боис, чопонимнинг энги билан оғзимни ёпиб гапирман, аммо у бунга парво қилмайди, дейди», дебди.

Подшоҳнинг жаҳли чиқиб, бундай игво гапга ишонмай, бош вазирдан хафа бўлибди. У бўлса бамайлихотир: «Ўстозингиз эртага тонгда келганида ўзингиз бунга гувоҳ бўласиз», деб сўзида туриб олибди.

Эртаси кун тонгда устоз,

экан, йўлда фитнакор вазирлар уни кўриб, ҳайрон бўлишибди.

Вазир аъзам, ҳийлам ўтмабди-да, дебди-ю, устозга: «Ҳар кун подшодан мукофот оласиз, бирор марта бўлсин, бизга узат-майсиз, ҳеч бўлмаса, бугунгисини беринг», деб ялтоқлик қилибди.

Устоз мукофот олинадиган қозони унга узатибди. Вазир аъзам уни ҳазинабонга берган экан, у қозондаги ёзувни ўқибди-да, қоровулларга ишора қилибди, улар вазир аъзамни ушлаб, бир зумда бошини танасидан жудо қилишибди...

Ҳайдовчининг ҳикояси шу

Бир йили қош қорая бошлаганида водийга қараб йўлга отландим. Бир ўзим. Шерик чиқмади. Қўқонлик ҳайдовчи йигит зарур иш билан Тошкентга келиб, учрашадиган одамга учраб, тўхтамай изига қайтаётган экан. Сўхбатлашиб кетдик. Довондан ўтгач, бир жойда энгил тамадди қилиб олдик. Йўл-йўлакай гаплашмаган гапимиз қолмади ҳисоб. Йўлга чиқаётганимизда: «Ака, олдинга ўтиринг, гаплашиб кетамиз, чарчаганман, кўзим илиниб қолмасин», деган эди, аввалига эътибор қилмабман, қарасам... аста мудраятти. Ҳай-хай, дедим-да, қизиқ-қизиқ воқеалар тафсилотини бир-бирга улай бошладим. Қарерда сув кўринса, машинани тўхтатиб, ичимиз, юз-қўлимизни ювамиз.

Ярим кечада Қўқонга етганимизча юракни ҳовучлаб бордим. Буниси майли, аммо йўлда энг қизиқ гапни мен эмас... ҳайдовчи йигит айтди. Ундан эшитган бир воқеани ҳали-ҳануз эслаб юраман...

Бир подшо бўлган экан. Подшо бўлгандан кейин, ёнида вазир аъзам, вазирлар ҳам бўлади-да. Аммо бу подшонинг бошқа подшолардан фарқи – улуг ёшдаги устози бўлиб, ҳар кун тонгда – бомдод намозидан кейин саройга келиб, подшога битта маслаҳат бериб кетар экан. Подшо устозининг маслаҳатларига ҳамиша амал қилар, шу боис, юрда тўқинчилик, тинчлик-хотиржамлик бўлиб, ҳар кун устозига бир кун аввалги маслаҳати учун ҳазинадан мукофот олишга қозғоз ёзиб берар экан.

Алқисса, вазирларнинг бунга ғайирлиги келиб, подшо ва унинг устози ўртасини бузишга

# Ободлик останада бошланади!

**Азиз юртдошлар, қадрли Тошкент вилояти аҳли!**

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг қўлмалли иш-лохотлар, улкан қурилиш-бунёдкорлик ишлари тўғрисида юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, турмушимиз фаровонлашиб бораётгани барчамизга чексиз мамнуният ва фахр бағишламоқда.

Азиз диёримизда инсон қадрини улуғлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, шаҳар ва қишлоқларни янада обод қилиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Бу умидбахш ўзгаришлар Тошкент вилояти шаҳар ва қишлоқларининг бугунги жамоли, вилоятимиз аҳолиси ҳаётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Янги корхоналар, турар-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, ра-

вон йўллар, замонавий инфратузилма объектлари халқимиз хизматида. Шаҳар ва туманларимиз, маҳаллаларимиз кун сайин кўркамлашиб, аҳоли учун янада қулай ва файзли масканга айланиб бормоқда.

Бугун барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам – **Мустақиллигимизнинг 35 йиллигини** муносиб қутиб олиш арафасида турибмиз.

Бу қутлуг сана шўқуҳи ва унга муносиб тайёргарлик кўриш ҳар биримизни ўз юртимиз, ўз маҳалламиздаги янгиланиш жараёنларига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди, яшаб турган кўчамиз ва хонадонларимизни янада обод ва файзли қилишга даъват этади.

Шу муносабат билан айни кунларда вилоятимизда «**Ободлик ва меҳр-саховат ойлиги**» доирасида кенг қўлмалли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, умумхалқ хайрия ҳашарлари ўтказишнинг аҳамияти каттадир.

Ушбу ойлик доирасида маҳаллалар, аҳоли яшаш масканлари, кўп қаватли уйлар атрофи, ҳовлилар, гузарлар, кўча ва йўлақлар, болалар майдончалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилади. Дарахтларга шакл бериш, оқлаш ва парваришлаш, ариқ-зовурлар ҳамда сув тармоқларини тозалаш, яшил ҳудудларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Айни пайтда ҳар бир хонадон-

нинг ташқи қиёфасини тартибга келтириш, томорқадан унумли фойдаланиш, қурилиш материаллари ва маиший чиқиндиларни кўча атрофида сақламаслик, санитария ва озодалик талабларига риоя қилиш ҳам ободликнинг муҳим шартидир. Зеро, обод маҳалла, аввало, обод хонадондан бошланади.

Жойларда «маҳалла еттилиги» бошчилигида ҳар бир кўча кесимида аниқ ишлар ташкил этилиб, аҳоли билан биргаликда ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилади. Эҳтиёжманд, кекса ва ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, ҳашар йўли билан уларнинг уй-жойини таъмирлаш ва обод қилишга кўмаклашилади.

**Қадрли вилоятимиз аҳли!**

Донишманд халқимизда: «**Ватан маҳалладан бошланади**», «**Бир болага етти маҳалла – ота-она**» деган ҳикматли нақллар бор. Чунки маҳалла — азалдан қадриятлар бешиги, меҳр-оқибат, саховат ва олижаноблик маскани, одамларни бир мақсад йўлида бирлаштирадиган, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик қарор топадиган муқаддас ошёнди.

Шу боис Мустақиллигимизнинг 35 йиллигини муносиб қутиб олишга шайланар эканмиз, «**Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла**» тамойили ҳар биримиз учун кундалик ҳаёт мезонига айланиши лозим.

Бу, аввало, ҳар бир хонадон соҳибининг ўз уйи ва ҳовлисига эътибор қаратиши, ташқи фасадини тартибга келтириши, томорқадан унумли фойдаланиши, кўча томонда қурилиш материаллари ёки маиший чиқиндиларнинг тўпланишига йўл қўймаслигидан бошланади.

Кўчамиздаги ариқ-зовурларнинг тозаллиги, дарахтларнинг парвариши, йўлақлар, болалар майдончалари, дам олиш жойлари, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳ ва қабристонларнинг саришта сақланиши ҳам барчамизнинг умумий масъулиятимизга боғлиқ.

Айниқса, маҳаллаларимизда соясалқин берадиган дарахтлар, манзарали гуллар экиш, ҳудудларни янада кўкаламзорлаштириш, аёллар ва нуронийлар учун қулай дам олиш нуқталари, ёшлар учун соғлом турмуш тарзини тарғиб этадиган спорт майдончаларини барпо этиш ишларида фаол қатнашиш этиш ҳар биримизнинг шарафли инсоний бурчимиздир.

**Азиз юртдошлар!**

Ободлик фақат ҳашар кунларига хос мавсумий тадбир эмас. Озодалик ва саришталик ҳар кунимизнинг одати-га, ҳар бир хонадоннинг ҳаёт тарзига айлансагина маҳалламизда ҳақиқий фойз ва барака қарор топади.

Қолаверса, ҳар бир кўчада азалий кўни-қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлайлик. Ёшларни эзгу ишларга бошлайлик, нуронийлар дуосини олайлик, эҳтиёжманд ва ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабардор бўлайлик.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан жорий этилаётган «**Энг обод хонадон**», «**Энг обод кўча**», «**Энг файзли ҳовли**» ва «**Энг намунали маҳалла**» каби эзгу ташаббуслар ҳар бир маҳаллада соғлом рақобат, масъулият ва ташаббускорлик муҳитини кучайтиришга хизмат қилади. Ишонамизки, бу борада Тошкент вилояти маҳаллалари мамлакатимизга намуна бўла олади!



Шундай экан, мустақиллигимизнинг 35 йиллигини муносиб қутиб олишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик!

Ҳар бир хонадонда «**Обод хонадон**» мезонларини қарор топтирайлик!

Кўчаларимизни янада озода ва саришта сақлайлик, атроф-муҳитга, она табиятга эътиборли бўлайлик!

Фарзандларимизни бунёдкорлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбия қилайлик! Ватанга муҳаббатни сўз билан эмас, амал билан кўрсатайлик! Фарзандларимиз биздан обод маҳалла, озода кўча ва меҳр-оқибатли муҳитни мерос қилиб олсинлар.

Зотан, бу йилги қутлуг байрамимизнинг умуммиллий шорида таъкидлангандек, «**Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажақ яратамиз!**»

Ишонамизки, Тошкент вилояти аҳолисининг азалий ҳамжиҳатлиги, меҳнатсеварлиги ва бунёдкорлик анъаналари бу галги ойлик мобайнида ҳам ёрқин намоён бўлади.

Барчангизни юртимиз ободлиги, маҳаллаларимиз файзи ва халқимиз фаровонлиги йўлида ўтказиладиган ободонлаштириш ва хайрия ҳашарларида фаол иштирок этишга қақирамиз.

**«Ободлик ва меҳр-саховат ойлиги»да фаол қатнашайлик!**

Унутмайликки, обод маҳалла – фаровон юрт пойдеворидир.

**Ўзбекистон  
Маҳаллалари уюшмаси  
Тошкент вилояти бошқармаси**

## ▼ Мен – 35 ёшдаман!

Мустақиллик мен учун шунчаки тарихий сана эмас, балки тақдирим, ҳаётим ва орзуларим билан уйғун тушунчадир. Мен мустақил Ўзбекистон билан тенгдошман. Шу боис юртимнинг босиб ўтган ҳар бир тараққиёт босқичи, қўлга киритган ҳар бир ютуғи меннинг ҳаёт йўлим билан ҳамоҳанг кечди.



# ВАТАН БИЛАН БИРГАЛИКДА УЛҒАЙДИК

Бугун ортимга назар ташлар эканман, эришган ҳар бир ютуғим, касбий фаолиятимдаги ҳар бир муваффақиятим ва ҳаётимдаги ҳар бир имкониятнинг замирида мустақил Ўзбекистонда яратилган беқиёс шароитлар мужассам эканини чуқур ҳис қиламан. Чунки мустақиллик мен каби миллионлаб ёшларга эркин таълим олиш, ўз иқтисодини намоён этиш, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш ва эзгу орзуларини рўёбга чиқариш имконини берди.

2012 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетининг магистратурасини тамомладим. Бугунги кунда капитан унвони билан Тошкент вилояти божхона бошқармасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва

бошқариш шўъбасида бош инспектор сифатида фаолият юритмоқдаман. Бу масъулиятли вазифада инсон капитали, кадрлар салоҳиятини ошириш ва тизим ривожига муносиб ҳисса қўлишни ўзим учун шараф деб ҳисоблайман.

Фаолиятим давомида ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдаман. Чунки юртимизнинг эртанги кунини айнан билимли, ватанпарвар ва ташаббускор ёшлар қўлида эканига чин дилдан ишонаман. Уларга тўғри йўл кўрсатиш, тажрибам билан ўртоқлашиш ва мақсадлари сари руҳлантириш мен учун нафақат хизмат вазифаси, балки фуқаролик бурчим ҳамдир.

Ватанга садоқат, ҳалол меҳнат ва халқ манфаати

хизмат қилиш ҳаётимнинг энг муҳим тамойилидир. Бундан кейин ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг тараққиёти, давлатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш мақсадиндир.

Мен мустақиллик билан тенгдош инсон сифатида мамлакатим билан фахрланаман. Юртимдаги ҳар бир ютуқ меннинг ютуғим, унинг тараққиёти эса меннинг энг катта бахтимдир. Келгусида ҳам билимим, тажрибам ва садоқатим билан юртим тараққиётига муносиб ҳисса қўлиш учун ҳаракат қиламан.

**Давронжон АБДУҒАНИЕВ,  
вилоят Божхона  
бошқармаси  
бош инспектори**

## ▼ Китобхонлик

Тан олиш керак, инсоннинг билим олиши, маънавий камол топиши ва дунёқараши шаклланишида китобнинг ўрни катта. Айниқса, бадий адабиёт инсон қалбига эзгулик, меҳр-оқибат ва ватанпарварлик туйғуларини сингдиради. Бу туйғунинг ҳеч қандай электрон қурилма бера олмайди.



Шунинг учун ҳам сўнги йилларда юртимизда Аxbopот-кyтyбxoна марказлари фаолиятини такомиллаштириш, китоб фондларини бойитиш ва аҳоли учун замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ислохотларнинг амалий самараси Тошкент тумани аxbopот-кyтyбxoна маркази фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Рақамларга тўхталсак, 2019 йилга қадар кyтyбxoна аъзолари сонини юз нафарга ҳам етмас эди. Бугун эса уларнинг сони 21 минг нафардан ошди. Марказнинг китоб фонди ҳам салмоқли: 36 мингдан зиёд.

Бундай ўсиш, энг аввало, давлатимиз раҳбарининг китобхонлиқни ривожлантиришга қаратилган қарорлари, кyтyбxoна фондининг мунтазам янгиланиши, замонавий аxbopот технологиялари билан таъминланганлиги ҳамда китобхонлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасидир.

Марказда китобхонлар эҳтиёжи мунтазам ўрганилиб, ижтимоий сўровнома-лар асосида фонд янги адабиётлар билан бойитиб борилади. Шунингдек, олис ҳудудларда истикомат қилувчи аҳолига ҳам янги китобларни етказиш мақсадида маҳаллалар, таълим



муассасалари ва ташкилотларда кўча кyтyбxoналар ташкил этилган.

Замон талабидан келиб чиқиб, кyтyбxoна фаолияти рақамли маконда ҳам кенгайиб бормоқда. Telegram, Instagram, Facebook ва YouTube ижтимоий тармоқлари орқали янги адабиётлар тарғиб қилиниб, буктрейлерлар, буктоберлар, аудио китоблар ва видеороликлар китобхонларга мунтазам тақдим этилмоқда. Шу билан бирга, фонddaги китобларнинг электрон шакллари ҳам кенг жамоатчиликка ҳавола қилинмоқда.

Марказда аҳолини мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт янгилликлари билан тезкор таништириш мақсадида республика ва маҳаллий газета-журналлар-

га мунтазам обуна ташкил этилган.

Бугун китобхонлиқни ривожлантириш нафақат кyтyбxoна ходимларининг, балки бутун жамиятнинг вазифасига айланмоқда. Оила, таълим муассасалари, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган ишлар ёш авлодининг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунинг учун ҳам фарзандларимизга ўзимиз ибрат бўлишимизга керак. Зеро, қомил инсонни тарбиялаш, қомил жамиятни барпо этиш китобга бўлган эътибордан бошланади.

**Озода ҚУРБОНОВА,  
Тошкент тумани  
Аxbopот-кyтyбxoна  
маркази директори**

## TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

**TOSHKENT  
VILOYATI  
HOKIMLIGI**



“Toshkent haqiqati” va  
“Tashkentskaya pravda” gazetalarini  
tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi),

Abdusamad NOSIROV, G’afurjon MUHAMEDOV,  
Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV,  
Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV,  
Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV,  
Otabek SULTONBEKOV, G’ayrat SHERALIYEV,  
Kumush EGAMBERDIYEVA,  
Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Bosh

muharrir:

**To’xtamurod  
HASANBOYEV**

Mas’ul kotib:

**Alloma AZIZOVA**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqami bilan  
ro’yxatga olingan.



Qabulxona: (55) 520-64-95. Bosh muharrir o’rinbosari: (55) 520-04-10.

Mas’ul kotib: (55) 520-05-10. Bo’lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi: (55) 520-21-20.

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Gazeta “Toshkent haqiqati” tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo’li ko’chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2. ISSN 2010-9318.

Bosishga topshirish vaqti – 20:00. Bosishga topshirildi – 04:00. Nashr ko’rsatkichi – 205.

7 764 nusxada chop etildi. Hajmi – 2 taboq. Buyurtma G-735.

Ofset usulida bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda.

«SHARQ»

nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik  
kompaniyasi  
bosmaxonasida  
bosildi.  
Korxona manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon  
ko’chasi, 41-uy.